



ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАРНИ ТАЙИНЛАШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

Кахаров Фируз Элмуратович

Зарафшон ихтисослаштирилган прокуратураси терговчиси
2-даражали юрист, Ўзбекистон Республикаси
Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура тингловчиси
+998 93 311 03 07

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8019501>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-June 2023 yil

Ma'qullandi: 05-June 2023 yil

Nashr qilindi: 09-June 2023 yil

KEY WORDS

асосий жазо, қўшимча жазо, жазо тайинлаш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш, суд ҳукми, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, айбдорни ахлоқан тузатиш.

ABSTRACT

Мазкур мақолада жиноят қонунчилигида қўшимча жазоларни тайинлаш умумий асослари таҳлил қилинган. Бунда жазо тайинлаш, шу жумладан, қўшимча жазоларни тайинлашнинг умумий асослари юзасидан миллий ва хорижий олимларнинг қарашлари, миллий қонунчиликда бу борада белгиланган нормалар ҳамда ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида қайд этилган тушунтиришларга эътибор қаратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида маҳкумларга асосий жазолардан ташқари қўшимча жазолар сифатида белгиланган ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ҳамда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазоларни қўллаш шартлари, уларни тайинлашда қўшимча жазо сифатида ўзига хос хусусиятлари каби масалалар юзасидан атрофлича фикр билдирилган. Ушбу мақолада амалга оширилган таҳлиллар асосида жиноят ҳуқуқида қўшимча жазоларни тайинлашда судлар ва қонунни қўлловчи бошқа шахслар томонидан эътибор қаратилиши зарур бўлган муҳим жиҳатлар атрофлича ёритилган.

Жазо тайинлаш жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга Жиноят кодексига мувофиқ жазо тури, унинг муддати ва миқдорини белгилашни англатади. Гарчи ЖКнинг 11-бобида жазо тайинлаш ҳақида бирликда сўз юритилса-да, шунга қарамай, тегишли ҳолларда суд асосий жазо билан бир қаторда қўшимча жазо ҳам тайинлайди ва улар жамулжам ҳолда ягона жазони ҳосил қилади.

Маълумки, жазо тайинлаш қонунчилигига мувофиқ суднинг ваколати ҳисобланади. Жумладан, ЖПКнинг 457-моддасига мувофиқ, суд ҳукм чиқариш вақтида судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борми, судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми, судланувчига қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми каби саволларга ҳам

жавоб топиши керак. Шунингдек, ЖПКнинг 468-моддасига мувофиқ, айблов ҳукмининг қарор қисмида қўшимча жазо турлари тўғрисидаги қарор ҳам кўрсатилиши зарур.

Таъкидлаш лозимки, жазонинг моҳияти жазо тури, муддати ва миқдорини танлашдангина эмас, балки жиноятни ва уни содир этган шахсни давлат номидан қоралашдан ҳам иборатдир. Буларнинг барчаси айблов ҳукмида ўз ифодасини топади. А.В.Усс бу хусусда жиноий жавобгарликнинг таркибий қисми бўлган салбий, ахлоқий-сиёсий баҳолаш унинг мазмунини тўлиқ акс эттирмаслигини [1, 91-92-б.] таъкидлайди. Мазкур баҳолаш жиноят-ҳуқуқий механизмнинг моддий элементлари билан бирикади ва улар таъсирининг умумий натижасини кучайтиради. В.Д.Филимонов фикрига кўра, шахсни айблов ҳукми орқали қоралаш ҳам уни айбдор деб топиш, ҳам унга жазо тайинлашдан иборатдир. “Жазо тайинлаш акти билан айбдорга кўрсатиладиган психологик таъсир жазони ўташ жараёнида унга кўрсатиладиган таъсирдан бутунлай фарқ қилади” [2, 254-б.].

Албатта, суд жазо тайинлаш жараёнида жазо тайинлашнинг умумий асосларида кўрсатилган барча талабларга кетма-кетлик билан риоя қилиши керак. Лекин бундай талабларни механик равишда амалга оширмасдан адолатли жазо тайинлаш мақсадини кўзлаши керак. Демак, жазо тайинлашда суд, содир этилган муайян жиноятнинг муайян белгиларидан келиб чиққан ҳолда, ЖК Умумий қисмининг муайян жиноятга тегишли бўлган белгиларни ёритувчи қоидалар мустақамланган нормаларни қўллаши лозим бўлади

[3, 119-б.]. ЖКнинг 54-моддасида жазонинг адолатлилиги норма мавжуд эмас, бироқ бундай талаб ЖПК ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қароридан келиб чиқади. Жиноий жазонинг мақсадга мувофиқ бўлиши ва инсонпарварлик принципига жавоб бериши кераклиги кўрсатилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “айбдорга тайинланган жазо чораси адолатли ва унинг ахлоқан тузалиши, янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли даражада бўлиши керак” [4],

деб алоҳида қайд этилган. ЖПКнинг 489-моддасида жазонинг адолатсизлиги кўрсатилган бўлиб, унга кўра, гарчи жазо ЖКнинг тегишли моддасида белгиланган доирада тайинланган бўлсада, тури ва меъёри жиҳатидан рўйи-рост адолатсиз бўлса, жиноятнинг оғирлик даражасига ва судланувчининг шахсига номувофиқ деб эътироф этилади.

Адолат маънавий-ахлоқий тушунчадир, у қилмиш ва жавобгарлик, жиноят ва жазонинг бир-бирига мослигини ўзида акс эттиради [5, 10-б.].

Бу борада Р.Шакуровнинг жиноятнинг субъекти бўлган шахс унга нисбатан қонун талабидан келиб чиқиб эълон қилинган жазонинг тўғрилиги ва адолатли эканлигини, унинг хулқ-атвори қонун талабига жавоб бериши кераклигини англашга [6, 30-б.] етарли бўлиши зарур, деган фикрини жуда ҳам ўринли деб ҳисоблаймиз. Агарда судлар жазонинг адолатлилиги нимада эканлигини англаб етмасалар, “қанчалик оғир бўлса, шунчалик адолатлидир”, жазо тайинлашнинг умумий асосларига тўлиғича риоя қилмасалар – “суд ихтиёрига кўра” деган принципга асосланиб жазо тайинлайдилар [7, 18-б.]. Кўриб чиқиладиган масалага бу тарзда ёндашиш вояга етмаганларга жазо тайинлаш амалиётига яхши таъсир қилмайди.

Р.Хамитов жазо тайинлаш ва унинг жиноий жавобгарликни амалга оширишдаги роли ҳақида шундай деб ёзади: “айблов ҳукми жазо тайинланиши билан ўтмишга қаратилади, чунки у ўтмишда содир этилган жиноят учун жазо тайинлайди ва жиноятни ҳамда уни содир этган шахсни давлат томонидан қоралашдан иборат бўлади. Мазкур қоралаш жазога хос бўлган айбдорнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилишда ўзининг моддий ифодасини топади. Шу билан бир вақтда, суд томонидан белгиланадиган жазо келажакка қаратилади, чунки унинг вазифаси ижтимоий адолатни қарор топтириш, маҳкумнинг ахлоқан тузалишини таъминлаш, махсус ва умумий огоҳлантириш функцияларини бажариш йўли билан ҳам маҳкум томонидан, ҳам бошқа фуқаролар томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олишдан иборатдир” [8, 10-б.]

Қўшимча жазо асосий жазонинг жазоловчи таъсирини кучайтиради, шу сабабли, жазо тайинлашнинг моҳияти нуқтаи назаридан у жиноятни ва уни содир этган шахсни давлат томонидан қоралаш даражаси янада кучли эканлигидан далолат беради.

Жазони қўллашда уни тайинлашнинг умумий қоидаларини ҳисобга олиш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. ЖКнинг “Жазо тайинлашнинг умумий асослари” деб номланган 54-моддасида ҳам асосий, ҳам қўшимча жазоларни тайинлашнинг умумий қоидалари белгиланган. Қўшимча жазоларни тайинлашнинг ўзига хос хусусиятларини эса, бизнинг назаримизда, мазкур қоидаларни ва ЖКнинг бошқа қоидаларини қиёсий ва тизимли таҳлил қилиш асосида аниқлаш ўринли бўлади.

ЖКнинг 54-моддасига мувофиқ, жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ЖК Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Адабиётларда жазо тайинлашнинг умумий асослари жазо тайинлашнинг умумий қоидалари, нормалари, техник қоидалари, мезонлари сифатида тавсифланади. М.Бажанов фикрига кўра, жазо тайинлашнинг умумий асослари суд ҳар бир жиноят иши бўйича жазо тайинлашда амал қилиши лозим бўлган, қонунда белгиланган мезонлардир [9, 23-б.]

Жазо тайинлаш умумий асосларининг умумий қоидалар, умумий тартибга солувчи нормалар, ҳуқуқий ёки муҳим қоидалар, мезонлар сифатида тавсифи уларнинг моҳиятини, ҳуқуқий табиатини тўлиқ акс эттирмайди. Бунда суд учун муайян мақсадлар ва техник усуллар, асосан ташкилий-ҳуқуқий нормалар назарда тутилади. Жазо тайинлашнинг умумий асосларида жиноий жавобгарлик ва жазо асослари акс эттирилмайди, уларда фақат суд ҳар бир муайян вазиятда жазо тайинлашда қай тарзда иш кўриши лозимлиги, яъни жазо тайинлашда у қайси мулоҳазаларга амал қилиши лозимлиги белгиланади.

Р.Хамитов жазо тайинлашнинг умумий асосларини суд ҳар бир жиноят иши бўйича жазо тайинлашда амал қилиши лозим бўлган жиноятни ва айбдорнинг шахсини

тавсифлайдиган ҳолатларни ҳисобга олишга доир суд учун мажбурий, жиноят қонунида мустаҳкамланган нормалар тизими

[8, 34-б.], деб таърифлайди. Мазкур таърифга умуман олганда қўшилган ҳолда, биз шуни таъкидлаб ўтишни истар эдикки, унда жазо тайинлашнинг фақат моддий мезонлари кўрсатилган. Мазкур таърифда формал-юридик асослар ҳам кўрсатиб ўтилиши зарур. Шуни ҳисобга олиб, жазо тайинлашнинг умумий асосларини суд ҳар бир жиноят иши бўйича жазо тайинлашда амал қилиши лозим бўлган жиноят қонуни Умумий ва Махсус қисмининг таклифларини ҳамда жиноятни ва айбдорнинг шахсини тавсифлайдиган ҳолатларни ҳисобга олишга доир суд учун мажбурий, жиноят қонунида мустаҳкамланган нормалар тизими, деб таърифлаш мумкин.

Ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо тайинлашнинг умумий асослари доираси муаммоси адабиётларда ўзининг узил-кесил ечимини топмаган. М.Становский жазо тайинлашнинг тўрт умумий асосини фарқлайди: 1) жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси; 2) айбдорнинг шахси; 3) жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар; 4) айбдорни ахлоқан тузатишга ва унинг оиласининг яшаш шароитларига таъсир кўрсатадиган ҳолатлар [10, 136-б.].

Е.Благов фикрига кўра, жазо тайинлашнинг умумий асослари: а) жиноят қонуни Махсус қисми ва Умумий қисмининг моддаларида белгиланган доирада; б) жиноят қонуни Махсус қисмининг моддасида белгиланган жазонинг хусусиятига мувофиқ равишда белгилашдан иборат бўлиши лозим; в) бунда жиноят қонуни Махсус қисмининг моддаларида белгиланган жазолар орасидан оғирроқ жазо тури фақат енгилроқ жазо тури жазонинг мақсадларига эришиш имконини бермаган ҳолда қўлланилади; г) жазо содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва айбдорнинг шахсини,

шу жумладан, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда тайинланиши лозим [11, 402-б.]. Баён этилган ечимнинг афзалликларига муаллиф кўриб чиқиладиган асосларга тегишли бўлмаган, ортиқ қоидаларнинг йўқлигини, бошқа томондан эса – зарур ҳолатларнинг барчаси мавжудлигини киритади. Бизнинг назаримизда, муаллифнинг сўнгги фикрига қўшилиш қийин.

Р.Галиакбаров жазо тайинлашнинг умумий асосларига қуйидагиларни киритади: 1) жазо айбдор жиноят қонунининг қайси моддаси бўйича жавобгарликка тортилган ва ҳукм этилган бўлса, шу модданинг санкцияси доирасида тайинланиши лозим; 2) жазо одилона бўлиши ва жиноят қонуни қоидалари билан мос келиши лозим; 3) жазо жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини; 4) айбдорнинг шахсини; 5) жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозим; 6) тайинланган жазо маҳкумни ахлоқан тузатишга кўмаклашиши ва оиласининг яшаш шароитларини ҳисобга олиши лозим. Кўриб турганимиздек, муаллиф тайинланган жазонинг одилоналигини фақат унинг жиноят қонуни қоидаларига мувофиқлиги билан боғлайди (шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ЖК 54-моддаси 1-қисмида жазо жиноят қонунининг барча қоидаларини эмас, балки фақат Умумий қисмининг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда тайинланиши лозимлиги кўрсатилган). Одилона жазо расман жиноят қонуни билан мос келибгина қолмасдан, балки жиноятни ва айбдорнинг шахсини тавсифлайдиган барча фактик ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда тайинланиши

лозим [12, 325-328-б.]. Кўрсатилган фикрни ҳисобга олган ҳолда, биз жазо тайинлаш умумий асосларининг мазкур схемасини қўллаб-қувватлашга мойилмиз.

Л.Кругликов жазо тайинлашнинг икки мезонини фарқлайди: 1) жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини; 2) айбдорнинг шахсини ҳисобга олиш. Ўзининг бу нуқтаи назарини муаллиф жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар мазкур мезонлар мазмунининг муайян қисмини ҳосил қилиши билан изоҳлайди. Шу билан бир вақтда, унинг фикрича, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар муҳим вазифани бажаради – тайинланаётган жазога уни кучайтириш (оғирлаштириш) ёки юмшатиш (енгиллаштириш) йўли билан таъсир кўрсатади. Агар эътиборни шу вазифага қаратадиган бўлсак, ишнинг барча ҳолатлари жазога ё оғирлаштирувчи, ё енгиллаштирувчи тарзда таъсир кўрсатиши боис, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни таъсир чорасини танлашнинг бирдан-бир ва етарли мезони деб эълон қилиш учун асослар пайдо бўлади [13, 110-111-б.]. Бизнинг назаримизда, гарчи кўрсатилган мезонлар бир-бирининг у ёки бу қисмини қамраб олса-да, жазо тайинлаш мезонларининг қабул қилинган схемасидан воз кечиш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Уларни деталлаштириш судга жазо тури, муддати ёки миқдорини белгилашда янада аниқ мўлжал олиш имконини беради.

Адабиётларда жазо тайинлаш умумий асосларининг бир гуруҳи қонунийлик принципини ва жазо тайинлаш чегарасини дифференциация қилиш талабини бажаришга қаратилганлиги қайд этилади. ЖК 54-моддасига мувофиқ, 1) суд ЖК Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада жазо тайинлайди; 2) суд ЖК Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди; 3) суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари бундай деб аталишининг сабаби яна шундаки, улар ҳам асосий, ҳам қўшимча жазоларни тайинлашда ҳисобга олиниши лозим. А.Л.Цветинович қайд этишича, суд томонидан тайинланадиган қўшимча жазо ягона яхлит (асосий + қўшимча) жазонинг ажралмас қисми бўлгани боис, энг аввало шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, унга нисбатан жазо тайинлашнинг умумий асослари тўлиқ амал қилади [14, 117-б.].

Айни вақтда, қўшимча жазоларни тайинлашнинг умумий асослари муайян хусусиятга эга. Айрим умумий асослар қўшимча жазоларни тайинлашда ЖКнинг бошқа қоидаларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши лозим. Масалан, ЖК 54-моддаси 1-қисмига мувофиқ, суд ЖК Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада жазо тайинлайди. Аммо мазкур умумий қоидадан қонун чиқарувчи, шу жумладан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳамда ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазоларни тайинлашда ҳам бир нечта истисно ҳолатларни белгилайди. Масалан, ЖК 45-моддаси 3-қисмига мувофиқ, агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан ЖК Махсус қисмининг

тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги жазога келсак,

у ЖК Махсус қисми нормалари санкцияларининг бирортасида ҳам умуман назарда тутилмаган. ЖКнинг 52-моддасида фақат ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Юқорида зикр этилган иккала жазо турини тайинлаш ҳам қонун чиқарувчи томонидан суднинг ихтиёрига ҳавола қилинган. Аммо муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога нисбатан суд амалиётида уни тайинлашнинг қўшимча мезонлари яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги қарорининг

41-бандига мувофиқ, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо шахс айбдор деб топилган ЖК Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида тайинланади. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ЖК Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилмаган бўлса,

у ЖК 45-моддасида белгиланган асослар ва доирада, қабул қилинган қарор ҳукмда асослантирилган ҳолда қўлланилиши мумкин [4].

Агар жиноятлар мажмуи ёки бир нечта ҳукм билан жазо тайинлашда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси жиноятларнинг бири ёки ҳукмларнинг бири билан асосий жазо сифатида, бошқа жиноят ёки ҳукм билан қўшимча жазо сифатида тайинланган бўлса, улар асосий жазо учун белгиланган муддат доирасида тўлиқ ёки қисман қўшилиши лозим. Бунда узил-кесил тайинланган жазо асосий жазо деб ҳисобланади ва айбловнинг ҳар бир моддаси ёки ҳукмларнинг ҳар бири билан маҳрум қилинган ҳуқуқларнинг барча турлари назарда тутилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи бўйича жазо тайинлашнинг асосий мезонларидан бири содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олишдир. Мазкур мезон жиноий жавобгарлик, жазо ва уни тайинлашни индивидуаллаштиришнинг бош негизидир, десак, асло муболаға қилмаган бўламиз.

Содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси асосий жазо билан бир қаторда, қўшимча жазони тайинлашда ҳам, ҳеч шубҳасиз, ҳисобга олиниши лозим, зеро улар жамулжам ҳолда битта яхлит жазони ҳосил қилади.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг хусусияти, энг аввало, шу билан белгиланадики, у фақат оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсларга тайинланиши мумкин. Шу сабабли, мазкур қўшимча жазо тури бошқа тоифадаги жиноятларни содир этганлик учун тайинланиши мумкин эмас.

Суднинг содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиши ЖК 54-моддаси 2-қисмидагина эмас, балки қўшимча жазоларнинг айрим турларини қўллаш тартиби ва шартларини белгилайдиган нормаларда ҳам белгиланган. Масалан, ЖКнинг 45-моддаси

3-қисмига мувофиқ, агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

Қўшимча жазоларни тайинлашда суд ЖК 54-моддаси 2-қисмига мувофиқ жиноятни содир этишда айбдорнинг шахсини ҳам ҳисобга олиши лозим. Суд асосий жазони тайинлашда ҳам шундай қилишга мажбур. Аммо қўшимча жазоларга татбиқан айбдорнинг шахсини ҳисобга олиш муайян хусусиятга ҳам эга. Хусусан, қўшимча жазоларнинг икки тури – муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш фақат муайян лавозимларни эгаллаб турган ёки, одатда, муайян фаолият билан шуғулланадиган, шунингдек унвонлар ва мукофотларга эга бўлган маҳкумларга тайинланиши мумкин.

Шундай қилиб, қўшимча жазоларни тайинлашда айбдорнинг шахсини ҳисобга олиш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Қўшимча жазолар асосий жазонинг жазолаш борасидаги имкониятларини амалда кучайтиради, шу сабабли, уларнинг маҳкумларга ахлоқ тузатувчи ва махсус огоҳлантирувчи таъсир кўрсатиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиш зарур. У ёки бу қўшимча жазо турини тайинлаш айнан

шу нуқтаи назардан асосланиши лозим.

Қўшимча жазоларни тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, тайинланган жазонинг маҳкумни ахлоқан тузатишга ва унинг оиласининг яшаш шароитларига таъсири билан бир қаторда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Ҳам асосий, ҳам қўшимча жазоларни тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш қоидалари бир хил, шу сабабли, биз уларга махсус тўхталиб ўтишнинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Қўшимча жазоларни тайинлашга нисбатан умумий ёндашув қуйидагича: жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ва жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг йўқлиги қўшимча жазоларни қўллашни тақозо этмаслиги мумкин ва аксинча, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқлангани қўшимча жазоларни тайинлаш ўринли бўлишидан далолат бериши мумкин.

Адабиётларда қайд этиб ўтилганидек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасининг мазмунини ҳамда айбдорнинг шахсини аниқроқ ёрқинроқ намоён этади, шу сабабли, уларни жазо тайинлашнинг мазкур мезонларидан ажратиш, боз устига, уларга қарама-қарши қўйиш мумкин эмас.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, жазо тайинлашда суд қўшимча жазо тури ёки уларнинг турлари билан бир қаторда, уларнинг муддати ёки миқдорини ҳам белгилаши лозим. Шу маънода қўшимча жазоларнинг ҳар бири, аниқроқ айтганда, уларни тайинлаш муайян хусусият касб этади. Масалан, жарима тарзидаги жазони тайинлашда суд энг кам ойлик иш ҳақининг муайян бараварини кўрсатиш билан бир қаторда, жарима миқдорини пул ҳисобида аниқ белгилаши лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги қарорининг 16-бандида берилган раҳбарлик

кўрсатмасига биноан, судлар шуни назарда тутишлари керакки, жарима тариқасидаги жазо тайинланганда ҳукмнинг қарор қисмида жарима миқдори билан бир қаторда унинг жиноят содир этилган вақтдаги базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган, пул бирлигида ифодаланган жами суммаси ҳам кўрсатилиши лозим [4]. Мазкур тушунтиришнинг моҳияти жарима суммасини белгилаш механизми аниқ бўлишига эришишга қаратилган.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаш ҳам тегишли хусусиятга эга. Бу муддатларда ҳисобланадиган бирдан-бир қўшимча жазодир. Шу сабабли, суд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлашда унинг муддатини ҳам белгилаши лозим. ЖК 45-моддаси

2-қисмига мувофиқ, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо тариқасида тайинланганда – бир йилдан беш йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда эса – бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади. Бундан ташқари, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт. Бундай жазони тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи шуғулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши керак.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо турининг фақат унга хос бўлган хусусияти шундан иборатки, у ЖК Махсус қисми нормалари санкцияларининг бирортасида ҳам кўрсатилмаган ва суд ихтиёрига кўра ҳар қандай оғир ёки ўта оғир жиноят учун тайинланиши мумкин.

References:

1. Усс А.В. К дискуссии о понятии уголовной ответственности в связи с проблемой нравственного осуждения преступника. // Вопросы уголовной ответственности и наказания. – Красноярск, 2006. – С. 91-92.
2. Филимонов В.Д. Общественная опасность личности преступника. – Томск: Томского университета, 2000. – С. 254.
3. Назаров М. Назначение наказания в уголовном праве Республики Узбекистан. – Ташкент: Адолат, 2013. – С. 119.
4. “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги қарори. // www.lex.uz/docs/1455976.
5. Ткаченко В. Общие начала назначения наказания. // Российская юстиция. 1997. – №4. – С.10.
6. Шакуров Р.Р. Жиноий-ҳуқуқий рағбатлантиришнинг функциялари. // Хуқук-Право- Law. 1998. 3-сон. – Б. 30.
7. Холикулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 18.
8. Хамитов Р.Н. Специальные правила назначения наказания. – Казань: Издательство Казанского университета, 2001. – С. 34.
9. Бажанов М.И. Назначение наказания. – Киев, 2010. – С. 23.

10. Становский Н.М. Назначение наказания. – СПб, 1999. – С. 136-270.
11. Благоев Е.В. Назначение наказания. Теория и практика. – Ярославль, 2002. – С. 402.
12. Галиакбаров Р.Р. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. – Краснодар, 1999. – С. 325-328.
13. Кругликов Л.Л. О критериях назначения уголовного наказания // Вопросы теории уголовного наказания. – Ярославль, 1999. – С. 110-111.
14. Дуюнов В.К., Цветинович А.Л. Дополнительные наказания. Теория и практика. – Фрунзе, 2016. – С. 117.



INNOVATIVE
ACADEMY